

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ:
ТАЖРИБАЛАР, НАТИЖАЛАР ВА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМ**

2020 ЙИЛ 9 НОЯБРЬ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИХТИСОСЛАШГАН
КЛАСТЕРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: ТАЖРИБАЛАР,
НАТИЖАЛАР ВА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР
Республика илмий-амалий анжумани**

МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ

**Бухоро
«Дурдона» нашриёти
2020 й**

КЛАСТЕР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Болтаева Ш.Б.

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Болтаев Ш.Ш.

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган интеграция жараёни унинг глобаллашувига катта таъсир кўрсатмоқда. Бу бир томондан қўшимча қиймат яратишнинг трансмиллий «занжири» кўзда тутган ҳолда, иккинчи томондан ишлаб чиқариш соҳасида ҳам рақобатни кучайтирмоқда. Глобаллашиш асосида логистика ва товарлар ҳамда хизматлар сифатини ҳам стандартлаштиришни таъминловчи умумжаҳон коммуникация тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Қолаверса, аҳоли сони муттасил ошиб бориши иш билан таъминлаш, аҳолига қулай фаолият жараёнини яратишни тақозо этаётир.

Интеграциялашувнинг кичик даражаси мамлакатлар иқтисодиётида янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш йўли ҳисобланиб, ўзаро пировард маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва географик яқин бўлган корхона ва ташкилотларни ўз ичига олган «Кластер»лар яратишдир.

Кластер сўзи бугунги кунда фаннинг турли хил соҳаларида кенг қўлланилади. Кластер инглизча “cluster” сўзидан олинган бўлиб, у турли хил ташкилотлар ёки одамларнинг гуруҳи, бирлашмаси деган маънони англатади. Иқтисодиётда эса кластер деганда ҳудудий жиҳатдан яқин бўлган ҳамда функционал жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган турли хил субъектлар, яъни ташкилотлар, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари, илмий-тадқиқот ва таълим масканларининг бирлашмаси тушунилади.

Иқтисодий кластерлар назарияси М.Портернинг миллий рақобат устунликлари ҳақидаги китобида “кластерли ёндашув” таклиф этилгандан сўнг ривожланди. Иқтисодиёт назариясига бизнес ва саноат кластери тушунчасини биринчи бўлиб америкалик иқтисодчи Майкл Портер киритди. Портернинг улкан ҳиссаси шундаки, у илгари тўпланган кенг назарий ва эмпирик материалларни бир тизимга келтирди. Бунинг натижасида, маҳаллий саноатнинг ихтисослашуви, макон иқтисодий агломерацияси ва минтақавий ривожланиш, шунингдек стратегик ва корпоратив бошқарувнинг қоидалари каби бир неча йўналишларни бирлаштирадиган кластерли ёндашув юзага келди ҳамда унинг муаммо соҳаси миллий саноат сиёсати ва ҳудудий ривожланиш сиёсатини таҳлил қилиш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ва тармоқлар (бизнес, фан, давлат, молия институтлари, воситачилик ташкилотлари) фаолиятининг инновацион жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини риволантириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар асосида амалга

оширилмоқда. Шу боис, илғор технологияларга асосланган инфратузилмани яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Ана шундай инновацион лойиҳалардан бири Бухоро вилоятида амалга оширилмоқда.

Лойиҳа кўра, мазкур кластер тизимида жами саккизта компания фаолияти йўлга қўйилади. Пахта экиш агрокомплекси, пахтани қайта ишлаш ва тозалаш заводи, бешта фабрикани ўз ичига олган тўқимачилик мажмуаси, ёғ-мой заводи, 12 минг бош қорамол парваришlashга мўлжалланган чорвачилик фермаси, биогаз ишлаб чиқариш заводи, тежамкор технологияларга асосланган 20 гектарлик иссиқхона, 25 турдан ортиқ сут ва гўшт маҳсулотлари тайёрланадиган корхона шулар жумласидандир. Матони бўяшда ишлатиладиган қимматбаҳо табиий бўёқ олинадиган индиго-ферум ўсимлиги ҳам айнан кластер ҳудудида экиляпти.

Кластернинг инновацион тўқимачилик корхоналари учун саноатбоп хомашёнинг бир қисми эса томчилатиб суғориладиган экин майдонларида етиштирилади. Ёғ-мой заводида чигитни қайта ишлаш ҳисобига олинган ёғ истеъмолчиларга жўнатилса, кунжара ҳамда шулха шу ердаги ферма эҳтиёжларини таъминlashда қўл келади. Ўз навбатида, чорвачилик мажмуаси ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган органик чиқиндилар келгусида бунёд этиладиган 20 гектарли иссиқхонани иситиш манбаи бўлган биогаз ҳамда қимматбаҳо ўғит — биогумус ишлаб чиқаришга йўналтирилади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ватанимизни дунёнинг илғор давлатлари қаторидан жой олишининг йўли — бу аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизимларининг жорий этилиши ҳисобланади.

Дарҳақиқат, енгил саноат, нефть, газ, химия, биотехнология, фармация, информатика, автоқурилиш, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва бошқа соҳаларда кластер тизимларини яратиш илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилади, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтиради, инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ишланмалари яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатларини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

M.U. Turdiyeva “Qishloq xo’jaligida ixtisoslashgan klasterlarni shakllantirish: tajribalar natijalar va innovatsion yondashuvlar”	51
Z.A.Qayimova, A.D.Qudratov Mamlakatda agroklasterni shakllantirish masalalari	53
А.Ж. Абдуллаев, З.А. Кайимова научный подход к кластерной формы организации сельского хозяйства	56
И.Н.Ниёзова Кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари	64
II.ШЎБА. КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ – МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
X.I.Mo’minov “Ixtisoslashgan klasterlari”ning ahamiyati va tashkil qilish bosqichlari	67
З.Т. Абдулхакимов Иқтисодиётни ривожлантиришда туристик-рекреацион кластерлар, зоналар ташкил этиш масалалари	69
A.Qudratov, L.Jiyanov Qishloq xo’jaligida innovatsion rivojlanish va klasterga yondashuv	74
Т.Ғ. Ёкубов Кластер тизимида фермер хўжаликларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда шартномавий муносабатлар ва унинг молиявий хусусиятлари	78
A.R.Xodjayev agroklasterning samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalarni qo'llash xususiyatlari	81
Қ.Мамадалиев, Ш.Умарова агробизнесда экологик муаммолар ва уларни бартараф этишнинг инновацион йўллари	84
Н.Б. Гиязова, Г.Бобоева Особенности региональных кластеров	86
Ш.Б.Болтаева, Ш.Ш. Болтаев Кластер ва уларни ташкил этишнинг аҳамияти	89
М.Х.Уракова Агропромышленные кластеры как условие инновационного развития	91
III.ШЎБА. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШГАН КЛАСТЕРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ ВА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ	
Б.Б.Беркинов, Ё.М.Абдурахимова Маҳалла ҳудудида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кичик кластерни ташкил этиш босқичлари	94
Р.Х.Эргашев, У.Х.Беглаев Балиқчилик хўжаликлари кластерларини ташкил этиш ва ривожлантириш	100
Р.Х.Ташматов Мева-сабзавот бўйича кооперацияни ривожлантириш - трансакция харажатларни камайтириш механизми сифатида	103
Қ. Мамадалиев Кластерлашнинг агробизнесда рисклар даражасини	107